

ЎзХДП ҳаёти

ИЧКИ АУДИТ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШСА

МОЛИЯВИЙ СОҲАДАГИ ХАТО ВА КАМЧИЛИКЛАР ОЛДИ ОЛИНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз Президентини таъинлаш билан қабул қилинган «Давлат бошқаруви тизимини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун сиёсий партиялар фаолияти учун янги имкониятларни очиб берди...

даланишининг самарадорлиги, бу биринчи навбатда, юксак даражадаги молиявий интизомни таъминлаш, қонунийлик билан белгиланган молиявий ва бухгалтерлик ҳисоб-китоб, ҳисобот тартибига қатъий риоя қилиш, кўчмас мулк ва моддий-техник ресурсларни асраб-авайлашдир...

тириш, молиявий-ҳўжалик ишларини самарали юритишни таъминлаш юзасидан маърузалар қилдилар. Баҳс-мунозара ва савол-жавобларда иштирокчилар фаол қатнашиб, ўзларини ўйлантриётган, қизиқтирган молиявий, ҳисоб-китоб ишлари билан боғлиқ айрим масалаларга оидлик киритиб олдилар.

Муносабат

ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМА, ҒАЛЛАКОР!

МИННАТ НОНИМИЗГА ЭГА БЎЛГАН ШУ КУНЛАРГА ҲАМ ЕТИБ КЕЛДИМ.

Ҳа, дарвоқе, шу кунларга ҳам етиб келдик: йўқса, юртимизда истиклол насимлари оралаб қолган 90-йиллар бошида бутун мамлакат бўйлаб ўртача 940 минг тонна галла йиғиб олинган бўлса, Президентимизнинг галла мустақиллигига эришиш йўлида тутган қатъий ва оқил сиёсати натижаси 2003 йилда тўла бўй кўрсатди: хирмонга илк бор 5 миллион 100 минг тонна галла тўқилди...

босгани-ю, Олтинкўл, Қўрғонтепа, Вобкент, Пайарик, Сарисий, Денов, Кува, Китооб, Яққабог туманларида ҳосилдорлик 55-60 центнерга етганлигини, пировардида, республика бўйича сўғориладиган ерларда гектар бошига ўртача ҳосил 48 центнерни (ўтган йилга нисбатан 4 фоз кўп!) ташкил этганини таърифлашга қалам ҳам ожиз, тил ҳам ожиз, сўз ҳам...

Яша, бор бўл, ғаллакор, сенинг шу кунлардаги қувонч-ташвишинг замирида ҳам не-не орзулар мужассам толганлигини кўриб турибмиз: ҳар бир хонадонда тўқчилик бўлиб, қилган меҳнатим, хуу... йўқчилик йиллари жароҳатларига малҳам бўлсин, дейсан. Эл-юрт дастурхони нонга тўлиб, одамлар кўнглида эртанги кунга ишонч ортин, дейсан. Аҳолининг даромади ошиб, қишлоқларда янги-янги қурилишлар, ободонлаштириш ишлари авж олишига, юртимиз мангу озод, обод ва фаровон юрт бўлишига орузмандлик қилиб, ўз эзгу уйларинг билан мустақиллик ишқи ёнган далаларда ил бўйи тер тўқсан...

Яша, пешона теринг ҳалол, азму шижоатинг барқарор бўлсин, ғаллакор! Юртобшимиз таъбири билан айтганда: ҳеч қачон кам бўлма! Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

ЎзХДП депутатлари фаолиятдан

ҲАЁТ МАКТАБИ

ШУНДАЙ БИР ДАРГОҲКИ, УНДАН ЭЗГУЛИК ТАЪЛИМИНИ ОЛГАН КИШИ ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАЙДИ

Самарқанд шаҳридаги Кимёгарлар қўғонига 6 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. Бу ерда турли миллат вакиллари бир оиладек, аҳил ва иноқ ҳаёт кечирмоқда. Улар қай бир масалада муаммога дуч келмасин, Меҳрождин Сирожиддиновни излашади...

ЎзХДП фаоли, депутат Меҳрождин Сирожиддинов билан ҳамроҳликда мазкур интернатда бўлган чоғимиз бу фикрларга ўзимиз амин бўлдик. Қадрдон кишини кўргандек Меҳрождин ака атрофида парвона болажонлар у киши олиб келган бир талай спорт жиҳозларини ўзларида йўқ қувонч, шодлик билан қабул қилиб олишди...

ўзларининг шинам, озода ва чироили маҳалла марказига эга. Байрам, оммавий тадбирларда Меҳрождин Сирожиддинов маҳалламиздаги ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилаларга ҳоимийлик ёрдамлари кўрсатади.

«Марказга таъминот» корхонасининг автобазасига раҳбарлик қилаётган М.Сирожиддинов ЎзХДПдан номзоди кўрсатилиб, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашига сайланган. У доим ўзига билдирилган ишонч оқлаш, одамлар дарди билан ҳамнафас яшашига интилади. Депутат ташаббуси билан ҳар ҳафтанинг бир кунда Кимёгарлар қўғонига тегишли муассасда ташкилотлар вакиллари аҳоли билан юзма-юз суҳбатда бўлади, уларнинг қувончу ташвишларидан хабар олади...

Кимёгарлар қўғонидидаги қатор мактаб, мактабгача таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, оддий фуқаролар билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг ўз депутатларидан миннатдор эканликларини ҳис қилдик.

Бу ҳаётнинг ўзи катта бир мактаб. Унда ҳар ким ўзи истогана таълим олади. Эзгулик сабогини олганлар умрини яхшиликка, савобли ишларга бағишлайди. Қўрган, гувоҳи бўлган, ашитган, билганларимиздан амин бўлдикки, қаҳрамонимиз, ЎзХДП фаоли, депутат Меҳрождин Сирожиддинов ҳам умрини эзгуликка бағишлаган инсонлардан бири.

КОСОНДА ЯНГИ КОЛЛЕЖЛАР

Қашқадарё вилоятининг Косон туманида бир йўла иккита илм маскани — нефть ва газ ҳамда ахборот технологиялари коллежлари бунёд этилмоқда. Нефть ва газ коллежи туман марказида қад ростлаётган бўлса, иккинчи ўқув даргоҳи марказдан 30 км. узоқликда жойлашган Пўлоти қишлоғида қурилмоқда.

Янги ўқув йилида ишга тушадиган ушбу коллежда истиклол тенгдошлари — 16 ёшли болалар ўқишга қабул қилинади.

Молия муассасаларида

МИЛЛИЙ БАНККА

«ЭКСПЕРТ РА» РЕЙТИНГИ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Россиянинг «Эксперт РА» халқаро рейтинг агентлиги томонидан кредит рейтинг сертификати сазовор бўлди. Бу рейтинг халқаро банк тизимига «А» тоифадаги юқори даражадаги, ишончли молия муассасаларига берилди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Миллий банкка нўфусли, юқори даражадаги кредит рейтингини берилиши Ўзбекистонда иқтисодиётнинг оғишмай ўсиши натижасидир. Бу ўз-ўзидан банк кўрсаткичларининг қоникари равишда кўтарилишига ижобий таъсир қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки жаҳондаги 1000 та энг йирик банклар ичида «The Banker» журналі рейтингини бўйича 675-ўринда турибди. Бугун Ўзбекистон ҳудудида 93 та бўлим ва филиалларига эга. 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, хизмат кўрсатадиган миқозлар сони 1215,3 мингтага өтди. Банк активлари эса жорий йилнинг 31 март ҳолатига кўра, 2,39 млрд. дан ортик АҚШ долларини ташкил этади.

«ҒАФУР ҒУЛОМ ВА АДАБИЙ АЛОҚАЛАР»

Каримбой Қурамов ва Гулном Қурамовалар ҳаммуаллифлигида чоп этилган бу китоб олий ўқув юртарларининг филология факультетлари учун қардош халқлар адабиёти фанидан ўқув қўланма ҳисобланади. Унда XX аср ўзбек адабиётининг атоқли номандаларидан бири Ғафур Ғулом ижоди, унинг туржман, қозоқ, қорақалпоқ адабиётлари билан ўзаро алоқалари ҳақида, қардош халқлар ёзуви-шорлари билан дўстона муносабатларининг ижодий самаралари тўғрисида ҳикоя қилинади.

ФАХРИЙЛАР

САЁХАТИ

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамини таъдирлар кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат аҳлини ҳам руҳлантириб юборди. Дарҳақиқат, истиклол йилларида республикада катта бунёдкорликлар амалга оширилди, ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришилган ютуқлар, ибратли ишлардан қорақалпоғистонликлар миннатдор бўлмоқда.

Навбатдаги саёхат давомида Алписой Алланиёзов, Қатарбой Роҳов, Қайпан Айтмуратов, Сарсенгул Аббосова, Гумис Турамбетова, Қизларгул Ҳужамуратовалар олган таассуротлари янада ўзгача бўлганлигини айтиб ўтдилар. Улар ўз навбатида кексаларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик замирида давлатимизнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлашдек оқилона сиёсати турганлигини алоҳида таъкидладилар.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Молия муассасаларида

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Россиянинг «Эксперт РА» халқаро рейтинг агентлиги томонидан кредит рейтинг сертификати сазовор бўлди. Бу рейтинг халқаро банк тизимига «А» тоифадаги юқори даражадаги, ишончли молия муассасаларига берилди.

ТАРИХИЙ ВОҚЕА ЯҚИН...

бундай меҳнат, фидойиликни сўз билан таърифлаш қийин. Қурувчиларимиз амалга ошираётган ишлар, баланд осмонлар тоғлар, дара-у қирлар бағрини ўйиб йўл қиришнинг машаққатларини энгилб ишлаётганлар — бугуннинг чинакам қаҳрамонлари, десак арийдим. Дарвоқе, темир йўл қурилиши бунёдкорларидан бири бизга қизиқ гапни айтиб қолди. Мухтаassisларнинг ҳисоблаб чиқишича, темир йўл қурилиши давомида қазиб олинган тўп-роқдан мисол учун уч метрлик баландликда паҳса девор урилса, ана шу девор билан бутун дунёни тўлиқ айлантририб чиқилса, ана ҳам тўп-роқ ортиб қолар экан...

Деҳқонобод участкаларида бунёд этилаётган йўл қурилиши ва спорт комплексида меҳнат қилишяпти. — Талабалар ўз ташаббуслари билан бизга ёрдамга келишди, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК бош менеждери — бош муҳандис Акбар Шуқуров. — Улар яхши ишлашяпти. Бу аътирофдан сўнг биз мухташам «Дарбанд» — темир йўл вокзали ёнгинасида қурилаётган мактаб қурилишида ишлашяётган Термиз давлат университетининг «Бунёдкор — 2007» талабалар меҳнат отряди ҳузурида бўлди. Бу ерда ишбоши доирлифун «Қамолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Баҳром Оролов экан. Унинг айтишича, талабаларнинг кайфиятлари аяло. Термизлик Ҳусниддин Бердиев — дорилфуннинг иқтисод-молия факультети 1-курсда тахсил олади. Зариф Элмомов эса — Автомобиль йўллари факультетида ўқиркан. Улар билан суҳбатимиз узоқ чўзилмади. Талабалар қисқа ва лўнда қилиб: — Бу ерда ишлаётганимиздан хурсандимиз. Ушбу қурилаётган мактабни тўла битказиб, фойдаланишга топширишган, уйга қайтамиз.

ерда ҳам бунёдкор ёшларнинг кайфиятлари баланд, улар шундай улғувор қурилишда иштирок этишганлигини фахрланишяпти. ...Тун қоронғусида бунёдкорлар ҳузуридан қайтарканмиз, қудратли техникаларнинг овози Оқназар — Шўрооб, Оқтов, Темир дарвоза ва Дарбанд дараларини тутади. Қурувчилар сардори, темир йўл қурилиши бош пудратчиси — йўл ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Азимбой Қурбонов билан хайрлашяпти: — Темир йўл излари тўлиқ туташадиган кунда қалбингиздан қандай ўйлар кечади? — деб сўрадик. У бироз жим қолиб: — Уша кун и дунёда мендан бахтли одам бўлмади, — деди қатъий. — Ишонман, ўша дамларда минглаб темир йўл қурувчиларимиздан-да бахтли кишилар топилмади. Қолаверса, бу йўл — халқимизнинг келажаги, Ватанимизнинг порлоқ равнақи учун хизмат қилажак. Аминман, нафақат биз, балки бутун юртдошларимизга ҳам чексиз қувонч, шодлик бахш этади. Ҳа, азиз замондош, тарихий, қувончли, ҳаяжонли кун чиндан яқин!..



Шомурод ШАРПОПОВ (Ўза) ва Абдинос ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Ибрат

Халол, ишбилармон, эртани кўра билаллиган инсон Эшдавлат Сафаров билан 2000 йилларда танишганмиз. Ушанда Эшдавлат ака Узун туманидаги Қорабой Алиев номи ширкат хўжалиги бошқаруви раиси бўлиб ишларди. У кишининг одамохунлиги, элга, халққа меҳрибонлигига рост хавасим келган. Хўжалик идорасидаги турунгимиз анчагина давом этганди.

Яратиш, яшнатиш, ўзидан ажойиб авлодлар қолдириш... Қахрамонимиз Эшдавлат Сафаров ҳам ана шундай ақидаларга қатъий риоя қилиб умргузаронлик қилди. Халол меҳнатни ўзига шир билди. Тахриба — дум ўзини оқлаган. 2001 йилда туман мутасаддилари Эшдавлат акани

Тахририятга хат

ИККИ ЙЎЛ ЎРТАСИДА

ҚОЛДИМ

«Янгириқдаги жамоа корхонаси бўлган «Қурувчи» сўнгги йилларга келиб оғир аҳолига тушиб қолди. Ишчилар бирин-кетин бўшаб кетди. Ғишт заводи тўхтади. Корхона қарзга ботди. Ходимлар маоши тугул солиқлар тўлашининг ҳам имкони йўқолди. Ҳисоб рақамда бир сўм пул йўқ, уни бу аҳолидан қутқарадиган мард ҳам...»

«Қурувчи»нинг давлат бюджетига ундирилмаган солиқлар ва мажбурий тўловлардан йиғилган қарзи ошгандан ошарди. Туман давлат солиқ инспекцияси (ДСИ)нинг қарзларни ундиришга қаратилган сазй-ҳаракатлари зое кетган, улар ундирувни мол-мулкка қаратишни сўраб, вилоят хўжалик судига муурожаат қилишди. 2001 йил 10 октябрда ундирувни корхона мол-мулкига қаратиш ҳақида суд буйруғи чиқди.

Унга кўра, корхона мол-мулклари ҳатланди. Хуллас, жамоа корхонасининг маъмурий биноси, ишчилар хонаси, дурадгорлик чеҳи ва «Ғишт» заводи каби кўчмас мол-мулклари «Иқтисод» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) баҳоланган ва улар кўчмас мулк раҳбарлик қилмоқда. Шу билан бирга ЎзХДПнинг кучнак фаолларидан бири. Ҳаётдан, истиклолдан шукроналик ҳиссини туйган эл фарзанди, эзгу ишлар ташаббускори ҳар доим яратиш-яшнатиш иштиёқи билан яшамокда...

Абдумалик ҲАЙДОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

айби қўйилди. Айбловда кўрсатилшича, жамоанинг кўчмас мулклари атайин бирмунча паст нархларда баҳоланиб, фақат таниш-билишларга сотилган эмиш.

Шу ўринда қизик, лекин тушунарсиз бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Туман прокуратураси томонидан топилшинг имкони бўлмапти, қидириляпти, деган сабаблар билан жиноят ишидаги менга тегишли қисм сентябрь ойида алоҳида иш юритувга ажратилган экан. Лекин уйга мени излаб ҳеч қим келмаган, қидирув ҳақида биз умуман беҳабар бўлганмиз.

Оқир-оқибат бу иш терговини шу йил январь бошида тугаланиб, судга оширилди. Бу пайтда Жиноят ишлари бўйича Янгириқ туман судида бу ишга алоқадор тўртта фуқаронинг суди кетаётгани. Уларга нисбатан суднинг оқлов ҳукми чиқиши билан негандир менинг «жиноят ишим» тергов идораси томонидан қайтариб олинди. Мана, орадан қарийб 5 ой ўтмоқдаки, бу иш судга қайтарилмади ҳам, тергов идорасидан бирор бир хабар ҳам бўлмади.

Тўғри, яқинда уларга нисбатан чиқарилган оқлов ҳукми ва ажрим Олий суд томонидан бекор қилиниб, қўшимча терговга қайтарилди. Аммо, айбдор ёки айбсизлигим масаласидаги қўзилган иш менга ёмон тасвир қилмоқда. Юрак хуружи касалини орттириб олдим. Ташкентга бориб даволашимга тўғри келди. Ҳозир ҳам аҳолий яхши эмас. Одамлар оғизда эса ҳар хил гап-сўз...

Ишнинг бу қадар узок чўзилиши, ҳолат бўйича маълум бир хулосага келмаслик одамнинг қўлини ишдан совутиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ўрнига вақтинг ўзининг айбдор эмаслигини исботлашга сарф бўлар экан...

Шарофат РОЗИҚОВА,
Хоразм вилояти.

ТАХРИРИЯТДАН: Биз суд ёки тергов органлари ишига аралашини ниятида эмасмиз. Лекин Ш.Розиқова куюниб ёзаётганидек, салкам олти ойдан бери бу масалага ҳуқуқий баҳо берилмаётгани кишини таажубга солади. Уйлаймизки, Хоразм вилояти ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари мактубда кўтарилган эътирозларга ўз муносабатини билдиради.



РЕЗОЛЮЦИЯ

ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

БМТ Бош қотибнинг махсус элчиси Марти Ахтисари томонидан ишлаб чиқилган режа асосида тайёрланган (Косовога мустақиллик бериш ҳақида) резолюция овозга қўйилиш учун БМТ Хавфсизлик Кенгашига расмий тақдим этилди. Бу ҳақида АҚШнинг БМТдаги вакили Залмай Халилзода журналистларга маълум қилди. Унинг айтишича, икки томон — Белград ва Приштина бунга рози бўлмаса, Россия резолюцияни қўллаб-қувватламаслигини билдирган. Бироқ резолюция овозга қўйилса, Россия вето қўллаш ҳуқуқидан фойдалангани йўқми, ҳозирча номълум, дейилади «Новости» АА хабарига.

Ушбу резолюция АҚШ, Франция ва Буюк Британия томонидан Марти Ахтисари режаси асосида тайёрланган. Унда Сербия позицияси қандайдиган қатъи назар, Косовога мустақиллик бериш масаласи қўзда тутилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, резолюция муаллифлари икки томон музокара ўтказиши ва Косово мустақиллиги борасида бир тўхтама қилиши учун 120 кун муҳлат белгиланган. Муҳлат тугаган, ҳужжат автоматик равишда қўча қирмайди.

Резолюция юзасидан овоз бериш яқин кунларда ўтказилади.



ИРОҚДА НОБУД БЎЛГАН

АМЕРИКАЛИКЛАР 3620 КИШИГА ЕТДИ

АҚШ етакчилигидаги коалиция кучлари 2003 йил мартда Ироққа кирганидан бери америкаликлар 3620 нафар ҳарбий-сидан айрилди, 27 минг ҳарбий эса яраланган.

АҚШ Мудофаа вазириликнинг ҳафталик маълумот-ҳисоботида асосланиб, «Интерфакс» АА бу ҳақида хабар тарқатди.

Маълумотномада коалиция таркибидagi бошқа давлатлар ҳарбийлари орасидаги йўқотишлар ҳам санаб ўтилган. Жумладан, Буюк Британия — 159,

- Италия — 33,
- Польша — 20,
- Украина — 18,
- Болгария — 13,
- Испания — 11,
- Дания — 7,
- Сальвадор — 5,
- Словакия — 4,
- Латвия — 3,
- Эстония — 2,
- Голландия — 2,
- Тайланд — 2,
- Австралия — 1,
- Венгрия — 1,
- Қозғоғистон — 1,
- Руминия — 1.

Жанубий Корея — 1 нафар ҳарбийсидан айрилган.

Америка ҳарбийларининг фикрича, бугунги Ироқдаги вазиятни ҳисобга оладиган бўлса, йўқотишлар сонин яна ортиси мумкин.




«PORSCHE 911 TARGA» АВТОМОБИЛИ

БИР КИШИ ТОМОНИДАН ИККИ БОР ЎҒИРЛАНДИ

Малайзиянинг Пинанг штатида баҳоси 300 минг доллар турадиган «Porsche 911 Targa» автомобили бир куннинг ўзида бир киши томонидан икки бор ўғирланди.

Ғап шундаки, «Нью Стрейтс таймс» газетасида ёзишларича, машина дастлаб автосалондан олиб қочилган, яъни жиноятчи харидор сифатида автосалонга келиб, «Porsche»нинг двигатели овозини эшитиб кўриш учун сотувчида машина калитини сўраган. Сўнг кабинга ўтириб, машинани ўт олдириган ва дарҳол газни босиб, қочиб қолган. Бироқ икки километрга етиб-етмай автомобиль бензини тугагани боис машинани таш-



лаб, ўзи яширинди. Лекин калитни олиб кетди.

Ўзини қидиришга тушган полиция машинани кўчадан топиб, мақмамага олиб боради. Аммо бахтага қарши айнан уша ўғри машинани полиция маҳкамасидан ҳам олиб қочишга муваффақ бўлади.

Кейин маълум бўлишича, ўғри канистрда бензин олиб келиб, автомобилга қуйиб, миниб кетган. Бироқ барча йўллар патруллар томонидан тўсиб, автомобиллар бирма-бир текширилётгани боис, ўғри қўриб кетиб, машинани 10 километр наридаги қўчага ташлайди-да, ўзи жуфтаникни ростлаб қолади.

Бугунги Берлин



Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши вилоят Марказий шифохонаси бош шифокори, вилоят кенгаши аъзоси Дилором Юсуповага онаси **МУНИСАХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»дан хушхабар!

Ўзбекистон Airways

Ўзги жадвалда

Тошкент — Наманган — Тошкент йўналиши бўйича қатновлар сони кўпайтирилди

Энди ушбу йўналишда қатновлар ҳафтасига 5 марта бажарилади. Қатновлар жадвали, жойларнинг мавжудлиги, авиачипталар ва ташишлар тўғрисидаги барча маълумотлар учун телефонлар (ҳар куни соат 8:00 дан 19:00 гача): (998 71) 140-02-00

www.uzairways.com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ «БЕШКЕНТ ПАХТА ТОЗАЛАШ» ОЧИҚ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Куйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича **ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

«Бешкент пахта тозалаш» ОХЖ бино ва иншоотларини капитал таъмирлаш.

Маъмуриятнинг ҳисобидан амалга оширилади.

Курилиш муддати — 2 ой. Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 506.000.000 сўм.

Манзил — Қашқадарё вилояти, Бешкент шаҳри.

Буюртмачи — «Бешкент пахта тозалаш» ОХЖ

Курилиш ишларини молиялаштириш — «Бешкент пахта тозалаш» ОХЖ

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Ташкилотчи» биносида ўтказилади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚАРШИ АЭРОПОРТИ

Куйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича **ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Қарши аэропорти маъмурий биносини капитал таъмирлаш.

Курилиш муддати — 3 ой. Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 113.723.149 сўм.

Манзил — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Махтумқули кўчаси, 3-уй.

Буюртмачи — Қарши аэропорти.

Курилиш ишларини молиялаштириш — «Ўзбекистон Республикаси Миллий авиаконкомпанияси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар куйидаги шартларга:

- ♦ етарли касбий ва техникавий ма-лакага;
- ♦ иншоот қўйматиининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағига

(захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк қафолатномаси мавжудлиги;

- ♦ молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
- ♦ шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
- ♦ юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўшшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси: **Қарши шаҳри, Хонобод кўчаси, 5-уйда жойлашган Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш хўдудий консалтинг марказига** муурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган маънада қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунга сотиб олиш мумкин.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соати.

